КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК АНТРОПОЦЕНТРИК ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА ВА КОНЦЕПТ ВА УНГА ЯҚИН ТУШУНЧАЛАР

Усманова Г. А
ДЧТИ 2 курс магистри

Аннотация: Мазкур макола лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшуносликнинг ўрганишга бағишланган. Ишда “оила” концепти доирасида турли замонавий бирликларининг таҳлили амалга оширилган.

Таянч сўз ва иборалар: тизимли-структуравий, антропоцентрик, лингвокультурология, когниктив лингвистика, парадигма.

Аннотация: Данное исследование посвящено изучению языковых лингвокультурологии, когнитивной лингвистики. Работа представляет собой дискурсивный анализ различных современных языковых единиц в рамках концепта «семья»

Ключевые слова и выражения: концепт «семья», антропоцентрик, лингвокультурология, когниктив лингвистика, парадигма.

Abstract: This research is devoted to the study of linguistic, linguocultural studies, cognitive linguistics. The work is a discourse analysis of various modern stereotypical language units within the concept of “family”.

Keywords and expressions: the concept of "family", anthropocentric, linguoculturology, cognitive linguistics, paradigm.

21-аср бошларида **тизимли-структуравий** илмий парадигмадан **антропоцентрик** парадигмага ўтиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Тилшуносларнинг диққат марказида маълум бир маданият вакили бўлган **она тилида сўзлашувчи инсон** ҳисобланади.

Ушбу илмий парадигма доирасида икки илмий йўналиш шаклланди: биринчиси, тилни маълум миллий-маданий менталитетнинг вакили сифатида ўрганувчи **лингвокултурология** ва тил ва онг ўртасидаги муносабатни, шунингдек, тилнинг ўрни ва ролини ўрганувчи **когнитив лингвистика**.

Замонавий тилшуносликда тилнинг антропоцентриклиги асосий ғоя ҳисобланади. Антропоцентрик парадигма – тадқиқотчининг қизиқишларини билиш объектларидан субъектга ўтказишни англатади. Яъни, тилда доирасида шахс ва шахс доирасида тил таҳлил қилинади.

Зеро, И Бодуен де Куртененинг фикрича, *«тил фақат маълум тил ҳамжамиятини ташкил этувчи шахсларнинг онгида, фақатгина уларнинг руҳида ... мавжуддир».*

Бу илмий парадигма тилни ўрганиш жараёнида олдимизга янги вазифаларни белгилаб, уни тасвирлашнинг янги усулларини, унинг бирликлари ва категорияларини таҳлил қилишда эса – янгича ёндашувларни талаб қилади.

Антропоцентрик парадигма нуқтаи назаридан, инсон ўзини англаш, ундаги назарий ва объектив фаолияти орқали дунёни англайди. Ўзини ҳамма нарсанинг ўлчови сифатида англаш инсонга ўз онгида воқеа ва жараёнларнинг антропоцентрик тартибини яратиш имкониятини беради.

Инсоннинг онгида бўлган бу тартиб унинг маънавий моҳиятини, хатти-ҳаракатларининг мотивларини, қадриятлар иерархиясини белгилайди.

Буларнинг барчасини инсон нутқини ўрганиш орқали тушуниш мумкин, яъни, у энг кўп фойдаланадиган сўзлар, у максимал даражада қизиқиш билдирадиган ибораларни тадқиқ этган ҳолда.

Антропоцентрик тадқиқот моделининг моҳияти шундан иборатки, инсон муайян ҳодисаларни ўрганишда бошланғич нуқтага айланиб, ушбу таҳлилда иштирок этади, унинг истиқболлари, якуний мақсад ва натижаларини белгилайди.

Айнан антропоцентрик парадигманинг шаклланиши тадқиқотларни инсон ва унинг маданиятдаги ўрни томон йўналтиришга ҳисса қўшди. Тилшуносликдаги антропоцентрик парадигманинг муҳим маҳсули – бу лингвокултурологиядир.

В.В.Воробёвнинг таъкидлашича, *“бугунги кунда лингвокултурология янги филологик фан бўлиб, у аниқ танланган ва ташкил этилган маданий қадриятлар тўпламини, нутқни яратиш ва идрок этишнинг жонли коммуникатив жараёнларини, тилни ўрганувчи шахснинг тажрибасини*

ва миллий менталитетни тадқиқ этади. У, шу билан бирга, лингвистик “дунё тасвири”нинг тизимли тавсифини ҳам беради”.

Фанда лингвокултурологик йўналишнинг пайдо бўлиши маданиятни оламда инсон мавжудлигининг алоҳида шакли сифатида тушуниш ва тилнинг инсон маданияти ва миллий менталитетини талқин қилиш воситаси сифатидаги ролини аниқлашга интилиш билан боғлиқ.

Лингвокултурология, ҳар қандай илмий фан каби, ўзининг категорик аппарати – асосий атамалар тизимига эга. Ана шундай асосий атамалар қаторида **“концепт”** тушунчаси ҳам бор.

“Концепт” атамаси турли илмий фанларда кенг қўлланилади ва ҳар қандай мураккаб лингвистик ҳодиса каби бир маъноли талқинга эга эмас. “Концепт” сўзи лотинча "conceptus" ("тушунча") сўзидан олинган.

Рус филологи С.А.Асколидов-Алексеев (1928 й.) таъкидлаганидек, *“Концепт фикрлаш жараёнида бир хил турдаги объектларнинг ноаниқ тўплами ўрнини босувчи ақлий бирикмади”.*

Д.С.Лихачевнинг сўзларига кўра, *"инсоннинг биронбир ходисанинг маъносини унинг бутун мураккаблиги билан тушунишга вақти йўқ, гоҳида у буни қила олмайди ва гоҳида уни ўзига хос тарзда талқин қилади"*.

Д.С.Лихачевнинг сўзларига кўра, концепт мос келадиган маъноларни, инсоннинг шахсий ва маданий тажрибаси билан боғлиқ бўлган ғоя, хотираларни ўз ичига олади. Аммо шу билан бирга, у концептлар универсал харакетрга эга эканлигини таъкидлайди, чунки агар улар индивидуал бўлганида эди, мулоқот имконсиз бўлиб қолар эди.

Концептлар нутқ жараёнида маъноларни алмаштириб, мулоқотни осонлаштиради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “концепт” ибораси “тушунча” иборасига қараганда семантик жиҳатдан чуқурроқ ва бойроқдир. Концепт инсоннинг маънавий дунёси, маданият ва тарихига яқиндир, шунинг учун у ўзига хос хусусиятларга эга.

“Тушунчалар халқ онгида коллектив мерос бўлиб, унинг маънавий маданияти билан бевосита боғлиқдир. Айнан коллектив онг доимий ёки узоқ вақт давомида мавжуд бўлган концептларни сақловчиси коллектив онгдир.

Адабиётлар:

1. Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. 2 тт. – М.: 1963. – Т.1. – С. 3
2. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студентов вузов. – М.: 2001.
3. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. Учеб. пособ. – М.: 2000. – С. 18.
4. Аскольдов-Алексеев С.А. Концепт и слово / Русская словесность: Антология / Под общ. ред. В.П.Нерознака. – М.: 1997. – С. 267 – 279
5. Лихачжёв Д.С. Концептосфера русского языка // Известия Академии наук РФ, Сер. литературы и языка. — М.: 1993. — Т. 52. – № 1. — С. 5 – 6.
6. Степанов Ю.С. Константы. Словари русской кулитуры. Опыт исследования. – М.: 1997. – С. 76